



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 33 (545)
2007-yil 8-avgust

1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ⇨ Chorshanba kunlari chiqadi ⇨ E-mail: hurriyat@mail.ru ⇨ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 Доҳийлар ва иблислар
Айтишларича, у вазифасидан бўшатиб уйда хонанишин бўлиб ўтирган кунларнинг бирида гдьянчилар дарвозага "ташир буюришган". Чикса, ўшалар. "Юринг биз билан". "Хўп, ҳозир мен кийиниб чиқай", деган ота ва уйга кириб... қайтиб чиқмаган.

3 Европа тақдири... Косово қўлида!
"Европа уйи" Косово боради ҳам бир байрок остида бирлашмаса, унда Европа Иттифоқи АКШ ва Россиянинг геосийосий ўйинларида шунчаки пийда вазифасини бажаряпти деган фикр тарафдорларига қарши далил топиши қийин бўлади.

4 Шаҳарлик талабанинг ҳайратлари
Бухоро вилояти Гиждувон туманида яшовчи дугонаникига бориш учун рухсат олдим. Бу менинг биринчи мустақил саёҳатим эди. ... Кечқурун Гиждувон туманининг Пахтабод қишлоғида бизга яқин бўлган хонадонга кириб бордик.

HURRIYATга
обуна йил бўйи
давом этади.
Газетамизни ўқиб бориш,
ютқазмайсиз!
Нашр кўрсаткичи — 233

Ифтихор

Халқимиз истиқлолга эришгач, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қуриши, юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун фаровон ҳаёт шароитини яратиш устувор мақсад деб эълон қилинган иқтисодий ўсиш, тараққиёт жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сийосий онг етуқлиги унинг руҳи ҳисобланади. Шунинг билан бирга асосий вазифалардан бири сифатида гурурли, оқил, маърифатли, улғу қадриятлари билан фахрланадиган ва келажакка юксак ишонч соҳиб бўлган ёшларни тарбиялашга эътибор қаратилди.

Миллий гурур

Келажакка ишончни мустақамлайди

стакил дунёқараш, миллий гурур туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади. Уқувчи-талабаларда миллий гурурни шакллантиришда «Миллий истиқлол госяи: асосий тушунча ва тамойиллар» фани билан бирга тарих, шахс ва жамият, адабиёт каби ижтимоий-гуманитар ва табиий фанларнинг ўрни бекиёсдир. Бу ўринда миллий гурур нима эканлигини англаш, унинг моҳиятини тушуниб олиш муҳим. Ўзбекистон Фалсафа қомуси лугатида ушбу истилоҳга қуйидагича таъриф берилган. Миллий гурур — бир шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўзини ўзи англаши асосида шаклланидиган, аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча. Файласуфларимиз таъкидлаганидек, бу туйғунинг намоён бўлиш шакллари жуда кўп, лекин унинг яққол ифодаси миллатнинг ютуғи, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси



масалаларга эътиборини қаратди. Мулкни ислоҳ қилиш, ишлаб чиқариш ва истеъмолга сарф-харажат қилишда маълум тартиб ва меъёрларга риоя қилиш, тақсимот масаласи, меҳнат қилиш эҳтиёжи ва уни қондириш каби мураккаб назарий масалаларни ечи берган. Иқтисодий ривожлантириш масаласи Шарқнинг буюк олимлари Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино илмий фаолиятида ҳам катта ўрин тутган. Еки темирлийлар даври иқтисодий тафаккурини олайлик. Буюк Соҳибқирон Амир Темур қисқа муддатда қудратли ўзбек давлатини вужудга келтирди, шу билан бирга ўзининг пухта ишланган иқтисодий сийосати орқали бақувват миллий иқтисодиётни яратди. Умуман, Шарқ иқтисодий тафаккурида буюк аждодларимизнинг салмоқли ўрни бор. Улар яратган иқтисодий таълим муқаммаллиги ва илмий асосланганлиги билан Европа уйғонишига катта таъсир кўрсатди. Сир эмас, XXI асрнинг охириги ўн йиллигида Ўзбекистон ўзининг миллий иқтисодиётини, иқтисодий мустақиллигини ўрнатилган буюк яратувчанлик даврига қадам қўйди. Янги бозор муносабатларига асосланган жамиятнинг барпо этиши миллий концепцияга ва пухта ишлаб чиқилган дастурга асосланиши керак. Президентимиз Ислам Каримов ана шу миллий тараққиёт дастурининг асосчиси, ўзбек давлатининг катта бир меъмори сифатида шундай иқтисодий концепция яратдики, у бугунги кунда «Ўзбек модели» дея жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳолашти.

Хабар

16 – балоғат ёши. Аини шу ёшга тўлганлар фуқаролик паспортига эга бўлишади. Демак, 16 ёш болалиқни тарк этиш, янги бир ҳаётга қадам қўйишдир. Бу йил юртимизда мустақилликнинг 16 йиллиги нишонланган экан, бу рақамдан кўп маъноларни илғаш мумкин. Жумладан, мустақиллик қарор топган йил дунёга келган бола-лар бугун фуқаролик паспортини олишмоқда.


Мустақиллик вояга етди

«Қамолат» ЁИХ ишлаб чиққан лойиҳа ҳам «16. Вояга етдик» деб номланади. Лойиҳанинг туб мақсади – байрамни уюшқоқлик билан ўтказиш. Ҳаракатнинг марказий кенгаши томонидан махсус ишчи гуруҳ ташкил этилган бўлиб, байрамни нишонлашга доир 10 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Лойиҳалар доирасида республика Байналминал маданият марказига қарашли маданият уйларида миллий урф-одатларимиз, аъналаримиз акс этган кўргазмали ва бадиий чиқишлар намойиш этилади; янги топширилган объектларда ёшлар хашари уюштирилади; ўн олтига кирган ёшларга фуқаролик паспортини топшириш тантаналари ўтказилади. Шунингдек, 1-босқичга қабул қилинган талабаларга эс-далик совғалари улашиш, 1-синф ўқувчиларига «Мен ҳақимда» китобчаси тақдим этиш каби тадбирлар ҳам дастурдан ўрин олган. Мазкур вазифаларнинг ҳар бири учун алоҳида лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, шу кунлардан бошлаб 5 сентябргача давом этади.

Дурдона АЛИМОВА

Танлов

Энг яхши веб-сайт
анъанага айланган Интернет
фестиваль доирасида 15 номинацияда
голиблар аниқланади



UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш маркази ҳамда InfoCOM.UZ журнали .UZ миллий домени сайтлари ўртасида танлов эълон қилди. Танлов юртимизда иккинчи марта ташкил этилаётган Интернет фестивал доирасида ўтказилмоқда. Ушбу тадбир Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан қўллаб-қувватланмоқда. .UZ домени тизимидаги ахборот ресурслари ва сервис хизматларини ривожлантириш, жамиятнинг ахборот маданиятини ошириш, юртимиз фуқароларининг халқаро тармоққа кириш имкониятини кенгайтириш мақсадида уюштирилаётган танловда турли йўналишдаги сайтлар иштирок этиши мумкин. Веб-саҳифалар танлови фан ва таълим, Интернет-даврий матбуот, анъанавий оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви, ёшлар, маданият ва санъат, жисмоний тарбия, спорт, туризм, минтақавий ўлкашунослик, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, тармоқ сервислари, электрон савдо каби йўналишларда, умумий ҳисобда 15 номинацияда ўтказилади. Шунингдек, энг яхши шахсий саҳифа, давлат тилида энг яхши сайт каби йўналишларда ҳам голиблар аниқланади. Энг сара веб-сайтлар ўртасидаги ўзига хос биринчиликка 1 август кунини расман старт берилади. Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, унда қатнашиш ниятида бўлганлар 15 сентябрга қадар мурожаат қилишлари мумкин. Номзодлар www.if.uz сайти орқали рўйхатга олинмоқда. Тақдим этилган сайтлар соҳанинг етук мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилади. Голиблар номи ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги сўнгги кунда — 28 сентябрда эълон қилинади. Юртимизда сўнгги йилларда Интернет тармоғи шиддат билан ривожланмоқда, халқаро тармоқ тизимидаги сайтлар мазмун-мундарижаси ҳам бойиб бормоқда. Ўзбекистоннинг миллий домени саналган .UZ 1995 йилнинг 29 апрелида ташкил этилган эди. Утган 10 йилдан ошқ мuddат ичида миллий домен кенгайди, ушбу сегмент таркибидаги веб-саҳифалар сони ва сифати ошди. Жорий йилнинг 31 июль ҳолати бўйича тизимдаги иккинчи дарахали фаол доменлар сони 4668 тага етгани ҳам фикримизни тасдиқлади. Энг яхши Интернет сайтлар танлови орқали юртимизда халқаро тармоқнинг янада ривожланишига эришиш кўзда тутилган.

С. САЛИМ


МММда

Миллий матбуот марказида Отабек Тешабековнинг «Никобсиз Christie's» китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, хорижий ва маҳаллий журналистлар иштирок этишди.

CHRISTIE'S — аукцион гиганти

Ўзбек тадбиркори унга қарши курашмоқда

«Christie's» савдо уйи дастидан бошимга не кўлфатлар тушмади. Очарчиликни ҳам, жазирасиз маъна қаратгани ҳам кўрдим, энг қайғулис — Маликамдан айрилдим», деб ёзади муаллиф. Аслида-ку, ҳаммаси уша «Маликам»дан бошланади. Унинг ота-онаси томонидан ошқ йиғитга «Маълумоти етарли эмас, оила боқишга қурби етмайди» деган тамга бошлади. Ўзининг бурчлиқ нозор эмаслигини исботлаш, маликасининг севгиини қозониш учун Отабек Тешабеков афсонавий шахзодалар каби катта дунёга йўл олади. Қадимий бўюмлар савдоси билан шуғуллана бошлайди. Лондондаги «Christie's» савдо уйи қимматбахо гиламларини арзонгаров сотиб олиб, уни чўв туширишга бўлади. Лекин ўзбек тадбиркори ҳам бўш келмайди. Қанча қийналса, маликасидан айрилса ҳам, курашда давом этади. Бутун дунё эълон гиганти учун бундайдин ёлгон савдо одайти ҳол эканини аниқлайди ва унинг кирдикорларидан дунё афкор оммасини хабардор этишга жазм қилади, токи бошқалар алданиб қолмасин. Бир қарашда асардаги воқеалар эртанамодай туюлади. Отабекнинг ташкил этилган йўлида, ўлганнинг устига тепгандай қилиб уни алдаб кетган «Ялмоғиз»лар ҳам, қилидан келган ёрдамчини аяманган қоржонлар ҳам учрайди. Аини саҳифаларни ўқир экансиз, қувониб кетасиз: «Хали дунёда яхши одамлар кўп экан-ку!» дея. Воқеа ривожини,



гиламчилик сир-асорларни қизиқтириб қўяди. Натичада, Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, Фарход Мусаенов каби сиз ҳам китобни бир ўтиришда ўқиб чиқасиз. «Муборак» корпорацияси вице-президенти Фазлиддин Ҳамроевнинг маълум қилишича, Москвадаги «Пушкинская площадь» нарийида «Никобсиз Christie's» китобининг рус тилидаги таржумаси 100 миң нусхада бошилиб чиққан ва дастлабки пайтда сотилиши бўйича бестселлерлар қаторидан ўрин олган. Китоб тиражи 1 миллион нусхадан ошшиш кутилмоқда. Ўзбек тилида китоб 50 миң нусхада нашр этилди. Ҳадемай инглиз тилида ҳам чиқади. Муаллифининг айтишича, «Никобсиз Christie's» асари ундан ортиқ тилга таржима қилинмоқда. Кураш хали давом этмоқда. Табиийки, китобнинг ҳам давоми бор. Муаллиф воқеалар ривожини мана бундай тасаввур қилади: «Китоб дунё бўйлаб кенг тарқалган, «Кристис» кимюшди савдо уйи мени судга беради ва худо хоҳласа, судда голиб чиқаман!» Отабек Тешабеков шу йўлда «Муборак» корпорациясини ташкил қилди. У шу корпорация томонидан уюштирилган кимюшди савдоларида гиламларини «Кристис» ходимлари белгилаган нархдан бир неча ўн баробар қимматга сотиб ўзининг ҳақлигини исботламоқчи.

Фаррух ЖАБОРОВ

Жавоб

Ҳолатлар ўрганиб чиқилди

Маълумки, газетамизнинг шу йил 20 июнь сонида «Норволарча усул», 4 июль сонида эса «Авал ўзингга бок...» сарлавхали мақолалари босилган эди. Навоий вилоят прокуратураси ҳар иккала мақоладаги ҳолатларни атрофлича ўрганиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида жавоб йўллади. Газета фурсатдан фойдаланиб, ушбу мақолаларга жиддий эътибор қаратиб, тезкорлик билан ўрганиб жавоб йўллагани учун Навоий вилоят прокуратурасига миннатдорчилик билдиради. Ҳар иккала мақола мазмунан деярли бир хил бўлгани учун уларни умумлаштирган ҳолатда топ этишни лозим топдик. «...Аниқланишича, фуқаро М. Саидов 1989 йилдан туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимда ишлаб келган ва 11.02.2004 йилги К-23-сонли буйруғига асосан эгаллаб турган лавозимдан озод этилган. Шунингдек, фуқаро М. Саидовнинг ўзини олдинги ишга тиклаш тўғрисидаги даъво аризаси 16.08.2004 йилда фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди томонидан жавобгар вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бош бошқармаси иштирокида қўриб чиқилиб, фуқаро М. Саидовнинг олдинги ишга тиклаш ҳақидаги даъвоси қаноатлантиришдан рад қилинган. Мазкур фуқаролик иши 27.09.2004 йилда фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди томонидан қўрилиб, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 16.08.2004 йилги қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 27.09.2004 йилги қарори 19.04.2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибиде қўриб чиқилиб, фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг аҳлини бекор қилиниб, янгидан апелляция инстанциясида қўриш учун юборилган. Даъвогар М. Саидовнинг жавобгар вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бош бошқармасига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар учун 150000 сўм ундирилган. Ўз навбатида, вилоят прокуратураси томонидан 25.05.2006 йилда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасига етказилган зарарни бошқарма бошлиғи Ж. Норовдан регресс тартибидан ундириш тўғрисида Кармана туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритилиб, ариза қаноатлантирилган. Суднинг ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш мақсадида М. Саидов аввалги иши туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимига тикланган билан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бош бошқармаси ходимлари Х. Худойқулов, Н. Раҳмонов, туман ижтимоий таъминот бўлими ходими А. Эрназаровлар фуқаро М. Саидовнинг уйига бориб ишга

қиқиши ҳақида ёзма равишда тақлиф қилинганда, бош бошқарма томонидан юборилган ўринбосарнинг вазифалари билан танишиш ҳақидаги хатни олишдан сабабсиз бош торган ва бу ҳақда далолатнома тузилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазиригининг 2005 йил 3 октябрдаги 197-сонли вилоят бошқармасининг 2005 йил 17 октябрдаги 102-сонли буйруғига асосан 2005 йил 13-14 декабр кунлари барча туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари бошлиқлари ва нафақа бўйича ўринбосарлари аттестациядан ўтказилган. Жумладан, 2005 йил 14 декабр кунини туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғининг нафақа бўйича ўринбосари М. Саидов ҳам Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазиригининг масъул ходимлари иштирокида аттестациядан ўтказилган. Аттестация комиссияси хулосасига кўра, М. Саидов эгаллаб турган лавозимига нолойқ деб топилди, унга туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан бошқа вазифа тақлиф қилинган ҳамда 15.02.2006 йилги розилик хатига асосан бугунги кунда туман ижтимоий таъминот бўлими ҳуқуқшуноси вазифасида ишлаб келмоқда. Фуқаро М. Саидов 2001 йилдан 2007 йилгача бир неча мартаба туман ижтимоий таъминот бўлимида, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бошқармасига, турли вазириликларга ва ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идораларга туман ижтимоий таъминот бўлими мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида мурожаатлар қилиб, унинг ушбу мурожаатлари бўйича текширишлар ўтказилган.

Давоми 2-бетда.





Хамкасб

Одатда журналист халқи ўта жонкуяр ва ҳозиржавоб бўлади. У ҳар бир воқеани синчковлик билан кузатади. Ундан ниманидир ўргангани. Дейлик, асалари бол йиғиш учун қанчадан қанча боғларни, гулзорларни кезиб, ўзига керакли озукани олади. Қалам аҳли-чи? У ҳам худди асаларидек юзлаб воқеаларнинг шохиди бўлади-ю, бир чимдимгина хабар ёки репортажи ёки маззуни долзарблигига қараб очеркни ёзиб, уни ўқувчи ҳужмига ҳавола этади. Кунлар эса бир-бирдан мазмуни, муаммоли, мулоҳазали туолади. Ушунда бу касб жозибаси, сехри, меҳри бутун онгу шуурни чулғаб олади ва қалам оқ қозоғ узра гимирлайди.

Хамдам ЭШОНКУЛОВ

Раҳим Мақсудовда ана шундай хислатлар жамланганидан қувонамиз. Камгап, содда, билимдон, одамхон бу инсон газета нафаси билан яшаётгандек ҳис этиди ўзини. У 19 йилдан бери муҳаррирликда муқим ишлаб келмоқда.

Газета маззулари ранг-баранг. Ўқувчига манзур бўладиган ахборотлардан тортиб, тахлилӣ мақолалар, ижодий ишларгача барига вақт, илм ва билим керак бўлади. Бу жараёнда Р. Мақсудов тахририятга тушадиган ариза ва шикоятларни сира ҳам очик қолдирмайдӣ. Рўзнамо саҳифаларида ёритилаётган тахлилӣ, мушоҳадага чорловчи мақолалар эгасини топиб, унинг қалбига аниқ-тиниқ мақсадларни сингдира олади.

Тахририятга бир кунда 30 га яқин мактублар келади. Бундан ташқари, у ёки бу фикрларни айтиш учун тахририятга келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди, бот-бот кўнғироқ қилиб, маслаҳат берадиган ҳам талайгина.

Сирасини айтганидан бўлса, бу хатларнинг ҳар бирини эринмай ўқиб, тахлил этади ва муносаба-

«Менинг газетам»

газетхонлар «Қизилтепа тонги»ни ана шундай деб эъозлашади

тини билдиради. Яна долзарб маззуларга оид: кишлоқ хўжалигиданми, тиббиётданми ёки тарихий маззуларни билиб олиш учун гоҳ Бухоро, гоҳ Самарқанд, Тошкентга кўнғироқ қилиб туради. Республика Фанлар Академиясининг Самарқанддаги Археология илмий текшириш институти, Тошкентдаги Тарих, Тил ва адабиёт ҳамда Кўлэмалар институти, Бухоро педагогика университети ва тиббиёт олийгоҳи олимларидан мақолалар сўраб олиб, уларни газетادا ёритиб келади.

Раҳим Мақсудов баракали умрининг 40 йилини ҳалол, самарали меҳнатга бағишлаб келади. Шу босидан унинг кўп дўсту ёрлари бор. Кўп газеталардек «Қизилтепа тонги»да тижорат маззулари ёритилмайди. Мулкчилик шаклидан қатъи назар умри ижтимоий, маънавий, иқтисодий, сиёсий тараққиётга астойдил ҳисса қўшаётган, вилоят ҳамда мамлакат миқёсида ном чиқарган замонадошлар фаолиятини ўқувчи онгига содда, раван тарзда ёритиб бориш мақсад қилиб олинган, яъни ўқувчилар тахририятини излаб юришмайди, пулларини ортиқча сарфлашмайди. Айниқса, туман манфаатлари йўлида қатъи хизматлар қилган марҳум кишилар хотираси газета саҳифаларида мунтазам эсланади. Бу савобли ишни тахририят аъзолари бажонидил, баҳоликдурат бажариб келишади. Туман аҳолиси бунга яқин билади. Шунинг учун ҳам ширкат хўжаликларини тутатилиб, фермерликка ўтилган бўлса-да, газета тиражи тўққиз минг нусхадан тушаётган эмас.

Кичик жамонинг катта ишларидан қувониб кетасиз. Уларнинг кўп йиллик, самарали ижодий ишлари туйғайли газета оммабоп, қолаверса, оилавий нашрга ай-

ланди. Негаки, мактабнинг 3-синф ўқувчисидан тортиб, саксон-тўқсон ёшга кирганларнинг ҳам қалб сўзлари ҳар бир саҳифадан жой олади. Ҳа, одамлар туман ҳаётига оид энг янги ахборотларни «Қизилтепа тонги»да ўқишга одатланишган.

Газета ахборотчи бўлиш билан бирга одамларга ҳамқору ҳамфир хамдир. Унда мунозарали, мулоҳазали, кишиларни ўқишга, изланишга, мулоҳаза юриштишга, имкониятлардан фойдаланишга кўмаклашадиган маззулар кўп. Ҳам ахлоқий, ҳам тарихий, ҳам аграр ва саноат тизими, тиббиётга оид илхотларни тахлилӣ руҳда ёритиб келинаётгани ибратлидир.

Айниқса, жорий йилнинг бошларида замонамиз қахрамонлари ҳаётига доир очерк ва ҳикоялар, тарихдан сабоқлар, ибратли ҳаёт соҳиблари ҳақидаги қисса лавҳалар, мақолалар, энг яқин тақлиф ва маслаҳатлар, бошқотирмалар ҳамда викторина саволлари учун танловлар эълон қилингандан сўнг, тахририятга келаётган хатлар оқими кўпайибгина қолмай, улар маззуси ҳам кенгайди, мазмундорлиги ошди.

Тиниб-тинчимас, изланувчан, янгилликка ў Раҳим Мақсудов ҳар чоракда танловларни қўнғаб боради. Фолиблар номи газетга эълон қилинади. Мукофотлар жойларда ўтказиладиган учрашуларда тантанали тарзда топширилади. Бундай учрашуларда ёш ижодкорлар ҳам рағбатлантирилиб келинади.

Тахририятнинг компьютер хонасида иш доимо қизгин. Қўбил Мақсудов томонидан терилган мақолалар чиройли саҳифаланади. Бу ҳам ўқувчиларни беъэтибор қолдирмайди.

1983 йили Раҳим Мақсудов га-

зета учун янги босмахона ташкил этиш ўйда бўлди. У бу мақсад учун елди-юғурди, ниятини раҳбарларга ўқтира олди. Оқибатда, Қизилтепа туманида биринчи босма корхонаси офсет усулида фаолиятини бошлади. Янгилликка ўч, доимо изланувчан Р. Мақсудовнинг сай-ҳаракати туйғайли, айни пайтда «Адаст» хусусий босмахонаси ишлаб турибди. Қарийб 24 йилдан бери бу ерда ўнлаб нашрлар чоп этилиб келиняпти.

Обуначилар ва газетани эркин нарҳда ҳар ҳафта пайшанба кунин донасини 107 сўмга сотиб олувчилар уни интизорлик билан кутишади. Газетани ўқувчиларга тахририят ходимларининг ўзлари вақтида etkazиб келадилар.

Раҳим Мақсудовнинг ўзи машина рулига ўтириб, Тошқара худудидан Арабонгача ёрдамчилари Баҳодир Эгамов ва Рўзигул Жумаевалар иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай хизматда бўлишади. Жойларда 20 дан ортиқ обуна ташкилотчилари ва таркатувчилари бўлиб, улар газета чиққан кунининг ўздакx хонадонларда бўлишади. Бу тажриба ўрганишга мольдир.

Шу босидан бўлса керак, ўқувчилар «Қизилтепа тонги»ни фаҳр билан «Бизнинг газета», «Менинг газетам» дейишади.

Ҳолатлар ўрганиб чиқилди

Давоми. Бошланиши 2-бетда.

М. Саидов 01.03.2005 йилда туман прокуратурасига туман ижтимоий таъминот ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги мутахассиси Ж. Собиров иштирокида текшириш жараёнида М. Саидовнинг талаби билан биринчи навбатда Ҳамдамова Шафоатнинг нафақа иши ҳамда 2006 йил бошидан рўйхатга олиш дафтарида 20 донна нафақа иши кўрилушига келилирилиб, улара олоҳида хона ажратилган. Лекин шу кун М. Саидов республика вазирлиги мутахассиси Ж. Собировнинг текшириш ўтказишидан норозилигини билдирган ва бу тўғрисида далолатнома тузилган.


Бундан ташқари, фуқаро М. Саидовнинг 13.02.2007 йилги шовишлиномасидаги вақтарини текшириш учун вилоят назорат-тафтиш бошқармасидан мутахассис жалб қилиниб, туман ижтимоий таъминот бўлимида текшириш ўтказилаётганда М. Саидов сабабсиз текширишдан норози эканлигини, назорат-тафтиш бошқармаси мутахассисини текширишларини тан олмаслигини билдирган.

Хатирчи туман ижтимоий таъминот бўлимида вилоят меҳнат ва аҳоли муҳофаза қилиш бошқармасининг назорат тафтиш бўлими томонидан текшириш ўтказилганда, ижтимоий таъминот бўлими ходимлари томонидан 2005-2006 йилларда фуқароларга жами 46 та ҳолатда 3 млн. 520 минг сўм ортиқча ҳамда 47 та ҳолатда 1 млн. 482 минг сўм пенсия тўловлари кам тайинланиб тўланганлиги аниқланиб, туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро-

ларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 59-моддасига асосан фуқароларга кам тўланган 1 млн. 482 минг 938 сўм тўлиқ тўлаб берилган, шунингдек, ушбу Қонуннинг 65-моддасига асосан 44 та ҳолат бўйича ортиқча тўланган 1 млн. 710 минг 265 сўм фуқаролардан ҳар ойлӣк чеғирмалар миқдори пенсиянинг 50 фоизидан ошмаган ҳолда сақлаб қолинган.

Текшириш ҳужжатлари бўйича туман прокуратураси томонидан 30.03.2007 йилда жиноят иши қўзғатиш рад қилиниб, туман ижтимоий бўлими бошлиги номига қонун бузулишини бартафай этиш тўғрисида тақдирнома киритилиб, ижтимоий таъминот бўлими бошлиги ўринбосарлари Р. Нуруллаев ва Ф. Умаров, ижтимоий таъминот бўлими пенсия тўлови бўйича шўба бошлиги Ф. Раимов ва бўлим бош мутахассиси Б. Сувоновларга нисбатан интисозий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилиб, фуқаро Э. Мирзаевга ортиқча пенсия тўланган 575 минг 915 сўмин туман ижтимоий таъминот бўлими мутахассиси Б. Назов ва фуқаро Э. Мирзаевдан ундиртиш тўғрисида Кармана туманлараро фуқаролик ишлари бўйича даъво аризалари киритилган. Шунингдек, туман Давлат архив томонидан туман ижтимоий таъминот бўлимига ишонсиз ҳужжатлар тақдим қилиши натижасида фуқаро С. Шодиевага 1 млн. 234 минг сўм ортиқча пенсия тўланганлиги ҳолати бўйича тўпаланган ҳужжатлар 31.03.2007 йилда туман ИИБ бўлимига юборилиб, ҳозирда суриштирув ҳарақатлари олиб борилмоқда».

Б. ЖАМОЛОВ, Навоий вилоят прокурори, адлия маслаҳатчиси



А. ХАКИМОВ ЧИСТА

Қўшин, сизни бир минутга мумкинми?

Хуррият

... Қизил салтанат ўзининг сўнгги нафасларида ўзбек халқига қилган ҳамласи миллиат бошига ўтказгани йиллар қатагонидан кам бўлмаган жабр-ситамлар келтирди. Улуг ёзувчимиз айтганидек, могайга қараб иш тутмоқ хайрлидир: бугуннинг бахти кечанинг фожиалари билан тақдослаганда ёркинроқ намоён бўлади. Бор-йўғи йилгирма йилнинг нарисиди бўлиб ўтган бу воқеалар бугунги БАХТИЁР замонада туғилиб-ўсганлар учун эртадек туюлса, ажабмас.

Хабибулла ОЛИМЖОНОВ, журналист-хуқуқшунос

Пахта иши

... Саксонинчи йилнинг ўрталари. Халқ орасида, қаерда очик-ойдин, қаерда шивир-шивир "Ўзбекистонга Гўлдан деганин бошчилигида Москвадан терговчилар келибди, пахта кўшиб ёзишни текшираётганимиш, қўллар камаларимиз" деган миш-миш тарқалди. Тез орада, фалончи қолхоз раиси қамалибди, фалончи райком секретари сўроқ бераётганимиш деган фактлар орқали миш-миш ҳақиқатга айланди. Сўнг, "Лавозим" кўтарила борди: обком секретари, Марказком секретари... Тергов КПСС Марказий Комитети секретарига етиб борганида... Тўхтади! Унчага эса қанча ўзбекининг шўри қуриди: қолхознинг (жамоа хўжалигининг) оддий тазвиелчиси ва бригадирдан тортиб то вилоят, республика раҳбарларигача бўлган минглаб инсонларнинг тақдирини синди, уларнинг оила аъзолари бўлишиш уни минглаб ота-она, бола-чақа — фарзандларнинг ошига оғу тушиди, кўз ёшлари дарё бўлди. Наинки кўз ёш, қонлар тўкилди... Нега, нега шундай бўлди, урушсиз, табиий офатларсиз, тинч-осуда замонада нега биргина миллиатга бунчалик жабр-ситам етказилди? Унинг олдини олма бўлмасмиди?

Бу саволлар... жуда жўн ва айни пайтда ниҳоятда мураккаб саволлар!.. Энг қуйидан бошлайлик. 1996 йили шу мавзуда тайёрланган курсатувга интервью берган Янгийўл туманидаги жамоа хўжалиги пахта топширувчиси Жуманазар ака дейди: — Припискада (пахта ҳосилини қўшиб ёзиш) қатнашгансан деб терговга чақирдишди. Қатнашмаганман, приписка нималигини билмайман, бунинг учун бировдан бир сўм олманман, дедим. Йўқ, гапим ўтмади. Суд қилишди, 3 йилга қамашди. Келсам, уй шип-шидам: ўйланганимда келин томон олиб келган оддий шифонёр-сервант билан иккита гиламини олиб кетиб, қўшиб ёзишдан етказган "зарар"ни қоплашга мусодара қилишибди. Уйда эски қизғиздан бошқа нарса қолмабди. Оқланганимдан кейин ўша уй жиҳозларини қайтариб олдим...

Шу тумандаги собиқ Калинин номидаги жамоа хўжалигининг раиси Роза Отабаевага микрофони тутганда, пешонасидаги қатагон чиқиқларига қараб оғир уйга толаман. Опа эса гапиряпти: — Терговчилар уйимдан қўлимга

бўлмаганимиз, тўтику бўлишимиз учун тарихимиздан узиб қўйилган экан. Бунга энди-энди тушуняпман.

Йўқ, опанинг асаби шу ерга келганда чидаш бермади: овозидаги ҳаяжон ҳуқиллашга айланиб гапирибдан бир зум тўхтади, беихтиёр рўмолининг дам у, дам бу учини қўзига суртиди... Менинг эса бошқа бир нарса ёдимга келди: оммавий байрамнинг сценарийини ёзиш учун "тепа"га чақирилган тошкентлик шоир Д. Полунин, Ойбекнинг Москвада нишонланган юбилей кечасида иштирок этиб келган раҳбар опанинг унга айтган гапларини хайрат билан шивирлаб деган эди: она сазала, "Ока"заваятсез, Айбек великий писателя! Ҳа, бутун бошли халқнинг мафқурасини тепасида турган ўзбек раҳбар Ойбекнинг улуг ёзувчи эканлигини Москва-

гиштириб, мактабга етиб бордим биш минутда. Терговчилар қирқ-эллик болани битта синфга қамаб, эшикдан чиқармай, сўроқ қилишяпти. Олдиларида пахта теримидидаги болаларга терим ҳақи берилган ведомостлар. Ҳар бир болани биттадан чақириб, "Мана бу сенинг имзонингми?" деб ведомостни кўрсатиб сўраяпти. Бола "ха" деса, оқ қозоғга қўл қўйдириб, сўнг "Бу сенинг имзонингми ҳўшамайди-ку?" дейди. Ахир ўйланг, ўн икки-ўн уч яшар бола бугун дадасининг имзосига ўхшатиб қўл қўйса, эртага ойсининг имзосига тақлид қилади! Терговдан мақсад — гўёки болаларнинг ведомостдаги имзолари қалбаки, қалбаки ведомост тўзиб қўшиб ёзилган пахтага терим ҳақи олинганини аниқлаш. Майдалик, аҳмоқлик шу даражада бўладими!

Ахир улур юрист-ку, вояга етмаган болани ота-онаси иштирокисиз сўроқ қилиб бўлмаганимиш бошқалардан кўра яхшироқ билишади-ку! Мен бу гапни уларага айтсам, нима дейишди денг: "Керак бўлса сени ҳам қамаб қўямиз, порохўрларни бошида турган сенсан!" Оёқ-қўлим титраб кетди. Бу гапнигана ҳали жавоб берасанлар, сенлар учун Ўзбекистонда тўри одам қолмабди-да, деб ҳажл билан чиқиб кетдим. Узини босолмайман. Тўғри Тошкентга жўнадим. Марказкомнинг аъзоси ёдимми, қийинчиликсиз қириб бордим. Биринчи секретарининг ёрдамчисига айтдим ҳамма гапни, шунақа бедодлик қилишяпти, ёрдам бермасанглар бўлмайди, эртага бу болаларнинг ота-оналари тўпалон кўтарурсан нима бўлади, дедим. Биласизми, эртасига келишди — Марказкомнинг, обкомнинг раҳбарлари. Раислар билан учраштирдим. Қирқ йил раислик қилаётган Усар Жураев деган ҳурматли одам, терговчилар чойга бир нима қўшиб бериб сўроқ қилаётганини, хушини йўқотиб қўётганини республика раҳбарига айтди. Бошқалар ҳам гапирди. Раҳбар Бош прокурор Бутурлинга бунга айтган экан, у ўринбосари Читаковни юрди.

Опа ҳаяжонини босган бўлиб бир зум тин олди, лекин ўпкаси тўла бўлагани сезилиш турарди, чалғитиш учинми, қизиқибми, савол бердим: — Кейин нима бўлди, нима чора қўришди? — Биласизми... ҳеч нима! Қайтага, кейин, "Янгийўлда шунақа ғойиб бор экан" деб мазак қилиб, менинг устимдан жиноят иши қўзғатилди. Йўқ, охирига etkazиб қўлишди...

Опа бошдаги ўзига ярашиб турган шарфнамо шойи рўмолини тўғрида қўйиб, бироз тин олади, уйга чўмгандек бўлиб, давом этади: — Биласизми, биз тарихимизни билмаган эканмиз, комсомоллик, коммунистизм деб, жонимизни жабборига бериб ишлаб юраверарканмиз-у, тарихимиз билан, ота-болаларимиз қимлиги билан қизиқмаган эканмиз. Бунга вақтимиз ҳам, эҳтиёж ҳам, шароит ҳам бўлмаган. Улар бизни қучли

лоят партия комитетининг биринчи секретари) пора берганман деб ёзиб бермаганингча қутулмайсан, дейишяпти. Мен бу ишни қилмаган бўлсам, қандай тўхмат қиламан?! Хушнинг оғир касал, бир-икки кун рўстат беринглар, тепасида қараб турай десам, ўлса-ўлаверсин, битта ўлгани билан ўзбек хотинлари қамайиб қолмайди, дейди...

Ҳамидулла ака билан унинг уйда, Учқун Баҳодиров яшаган уйда суҳбатлашяпмиз. Қуллогим унда-ю, қўзим билан кўримсиз ховлини, пахтадевор пасткам уй ва ошқоналарни кузатаман. Олдий қолхозчининг уйдан хароб бўлса харобик, ортиқ эмас. Мана шу уйда яшаган одам, терговчиларнинг наздида, пахта кўшиб ёзишдан келган юз минглаб сўм порани раислардан, пахта заводи директор-

бир кўргани, кейин кўринмади. Ука, ҳаёлига келган совуқ фикрдан бирдан бадан жунжиқиб кетди-ю, ҳовлига чикиб "ака-ака"лаб чақира бошлади. Жавоб йўқ. Овозини балоңдор кўтарди. Садо йўқ. Ховлиқиб уйдаги хоналарни қараб чиқди. Йўқ. Югуриб бориб ҳоҳатхонанинги эшигини очди. Йўқ. Қаралмаган битта оғилхона қолди. Ҳамидулла, ҳарчанд у ерга киргиси келмасда-да, қириб хаёлидаги совуқ фикрни амалда қўришдан харчанд қўрқса-да, "Зора у ерда ҳам йўқ бўлса!" деган илинж-да... оғилхона эшигини очди. Йўқ, илинж ўзини оқламади. Не қўз билан кўрсинки, рўпарасида акаси шифтдаги тўсинга боғланган йўғон арқонга осилмақ турарди!!! Унинг ор-

ДОҲИЙЛАР ВА

ёки "Пахта иши", "Ўзбеклар иши" кампаниясини қим бошлиб, қим тутгани, бу сўнгги

даги юбилейидагина англаб етганидан кейин, бошқалардан нимани қучиш мумкин эди... Узини танимаган халқни эса ҳар кўйга солиш жуда осон... Хатто бекорга ўлдириб юбориш ҳам... Худди, Пскент район партия комитетининг биринчи секретари Учқун Баҳодиров каби.

Ўзиргир қуйи Чирчик туманида туғилиб ўсган, шу туманда қолхоз расислигидан Пскент туманига биринчи раҳбар лавозимига танинган, ёши эллика бормаган, илчча, балоң буй, жиддий қияфали бу одам вилоятда, халқ орасида "тўғрелиги" билан таңлилан эди. Минг афсуски, у эсини таниб ум буйи садоқат билан хизмат қилган — бор қуч-ғайратини, билми ва вужудини бахшида этган коммунистик партия охири-оқибат унга хиёнат қилди: бу инсоннинг Гўлдан-Иванов тергов гуруҳининг қатагон машинаси қийноғига дош беролмай, улур талаб қилган тўхмат қўргазман ёзиб бериб, сўнг вихдон азоби пўртанасида ўз жонига қасд қилишчага томошабин бўлиб қараб турди. Қарабгина турмай, ана шу қатагонга бош-қош бўлди. Содик коммунист Учқун Яхёевич Баҳодировнинг 1987 йил 20 октябрда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Михаил Горбачёвга, СССР Бош прокурори Рекунковга ўзининг соғлигини исботлаб наҳот истаб ёзган хатлари сувга тушган тошдек ёзган йўқолди. Учқун Баҳодировнинг ўқиси, туман электр тармоқлари идорасининг механиги Ҳамидулла Баҳодиров ҳикояси: — Акам ҳар кун Тошкентга терговга бориб-келарди. КБнинг подвалада Гўлдан терговчилари сўроқ қилипти, дерди. Ёзилиб, бир ҳолатда қайтиб келарди. Ака, бу қунлар ўтиб кетади, ўзингини қўлга олинг дердим. Ука, сен билмасан, ёмон қийнашяпти, электр стўлга ўтқишчи-япти, сен Мусахоневга (Тошкент ви-

«Ўзбеклар иши»

... Ўз жонига қасд қилган қатагон қурбони, афсуски, ягона эмасди. Балки, бармоқ билан санарли даражада кам ҳам эмасдир. Лавозими туман раҳбарлиги даражасидан қатароқ ана бир шахс, вилоят партия комитетининг биринчи секретари ҳам ўз жонига қасд қилди. Бошқачароқ шаклда: айтишларича, у вазифасидан бўшатилиб уйда хонашин бўлиб ўтирган қулларнинг бирини гўлданчилар дарвозида "таширф буюришган". Чикса, ўшалар. "Юринг биз билан". "Хўп, хотир мен қийиниб қикай", деган ота ва уйга қириб... қайтиб қикмаган. Қиринса, ўзини пичоқ билан қавақлаб ташлабди...

Бу, ўзига ҳос исён эди! Адолатсизликка, ҳақсизликка, ҳуқуқсизликка, қонунбузарликка қарши, Қизил империянинг бадбуй сийёсатига қарши исён эди! Қолаверса, ўша пайтда республиканиннг тепасида турганларнинг бедодликларга томошабингина бўлиб қолмай, Марказдан қадр сўраб қатагонга ташаббус-



НИГОХ

Европа Иттифоқи охириги пайтларда ташқи сиёсатда у қадар катта таъсир кучига эга бўлмай қолди. Ироқ уруши борасида кучларнинг бўлини кетгани, АҚШ томонидан Польша ва Чехия ҳудудида ракетга қарши мудофаа тизимининг қурилиши Европанинг сиёсий мустақиллигини ҳавф остида қолдирди. Эндилликда Европа Иттифоқи мамлакатлари Косово масаласида ҳам бир тўхтама келишолмапти, бу эса ташқи сиёсатда нўноқликка йўл қўйлаётгани тўғрисидаги танқидларни дастлаш мумкин.

Европа тақдири... Косово кўлида!



Шингтон курашида оддий томошабинга айланганди кўйяпти. Бир томонда Сербиянинг ҳудудий яхлитлик тўғрисидаги талабларини қўлаб, Косовога асло мустақиллик берилмаслиги тарафдори бўлган Россия турибди. Кремль Хавфсизлик Кенгаши орқали Косовога мустақиллик бериш тўғрисида резолюция қабул қилинишига ҳам йўл бермаслиги аниқ. Иккинчи кўтбада эса кескин ҳаракат тарафдори бўлган АҚШ, Вашингтон Сербияга тўрт ой мuddат вақти Марти Ахтисаари тақлиф қилган режа ҳам ана шунга асосланган эди. Лекин турлича сиёсий қараш эгалари бўлган 27 давлатнинг бир ёқадан бош чиқариши қийин кечяпти. Бу эса ташаббусни қўлга олишга даъвогар Иттифоқни Москва-Ва-

да, Россия, АҚШ, ЕИ учлиги келишуви билан ҳал қилиниши зарур деган позицияда. Аслида бунга Иттифоқнинг расмий позицияси дейиш ҳам нотўғри. Нега деганда, Европа мамлакатларининг ўзида ҳам бу борада парчаланиш бор. Нидерландия, Дания ва Швеция каби мамлакатлар Америка йўлини ёқлашади: улар наздида БМТ аралашуви, Косовога бир томонлама мустақиллик бериш — муаммонинг энг яхши ечими. Греция, Кипр, Руминия, Болгария каби 10 дан ошқ давлатдан иборат иккинчи гуруҳ Косово мустақиллигини истадади, лекин улар БМТ каби нуфузли ташкилот изнисиз бир томонлама ҳаракатга қарши. Дарвоқе, ЕИ мамлакатлари орасида Косово борасида ҳали бир тўхтама келолмаганлари ҳам йўқ эмас. Косово мустақиллиги тарафдорлари икки далилни келтиришади: биринчидан, ҳар қандай масалада, ичунун, Косово

борасида Россияга асло ён бермаслик керак; иккинчидан, бир неча йил давомида фуқаролар урушини бошдан кечирган ҳудуд шунча қийинчиликлардан кейин мустақил бўлишига ҳақли. Акс ҳолда, ўша қонли давр яна қайтиши ҳам мумкин. Ўз навбатида қарши томон ҳам икки далилга таянади. Бунга кўра, агар Косовога эркинлик берилса, Босниядаги серблар, Грузиядаги абхазлар, Шимолий Кипрдаги турклар ва ҳоказо бошқа айирмачи қайфиятдаги миллатлар ҳам мустақиллик талаб қилиб чиқishi мумкин. Мустақиллик берилди дегани тартибсизлик ва бошбошқоқликка йўл очилди дегани. Қолаверса, БМТ рухсатисиз қарор қабул қилиниши халқаро ҳуқуққа зид ва ташиқлот бўрсини ҳам туширади. Ўзи шундоқ ҳам охириги пайтларда БМТнинг гапи ҳеч кимга ўтмай қолди... ЕИ ҳозирча шундоққина биқинидаги муаммони ҳал этишга ожизлик қилиб турибди. Агар Брюссель бу сафар ҳам қатъий қўрсатмаса, яхши бўлмайди. "Европа уйи" Косово борасида ҳам бир байроқ остида бирлашмаса, унда Европа Иттифоқи АҚШ ва Россиянинг геосиёсий ўйинларида шунчаки пийда вазифасини бажаряпти деган фикр тарафдорларига қарши далил топishi қийин бўлади.

Абдул СОБИР

Ёшлар матбуоти

ахборот даври шароитида унинг ўзига хос хусусиятлари қандай намоён бўлмоқда?

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан «Ахборот даври шароитида хос» оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида ўтказилган илмий-амалий семинар қизгин баҳс-мунозараларга уланиб кетди.

Тўлқин ЭШБЕК

Ахборот асрининг дастлабки йиллариданоқ рўйи замин ягона ахборот маконига айланди. Айни пайтда юртимизда ҳам ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб, ОАВ ходимлари олдида янги вазибалар пайдо бўлмоқда. Мамлакатимизда ахборот истеъмолчиларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этар экан, бугунги кунда айнан ёшлар матбуотининг ўзига хос хусусиятлари қандай намоён бўлмоқда, улар фаолиятини замон талаблари даражасида раванқ топтириш борасида яна нима-ларга эътибор қаратиш зарур, деган саволлар кўпчиликини қизиқтириши табиий. Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги Етақчи ёшлар ўқув марказида ўтказилган маъруза анжуманида «Камолот» ЕИнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ахборот хизматлари ходимлари, журналистлар, олимлар, ёшлар нашрлари бош муҳаррирлари ва бошқалар иштирок этишиб, ушбу муҳим мавзуда атрофлиқа фикрлашиб олдилар.



Ижобий ҳал этилишига замин яралади. Ёшлар матбуотини замон талаблари даражасида ривожлантириш ҳар бир тахририй ходими зиммасига улкан масъулият юқлигини изоҳлашга ҳоҷат йўқ. Анжуманда бу борада билдирилган айрим муҳтарам фикрлар билан танишамиз.

Султмурод Олим, республика Маънавият тарғиботи маркази раҳбари ўринбосари: — Ёшлар нашрларини замон талабига мос равишда ўқишли, сермазмун чоп этиш билан бир қаторда улар тарғиботига ҳам жиддий эътибор бериш зарур. Жойларда тахририй ижодий ходимларнинг очик мулоқотлари, ижодий уршувларини ташкил этиб, «Туркистон», «Ёшлик», «Ёш куч», «Тонг юлдузи», «Синфдош» каби ёшлар нашрларини ҳам тарғиб қилиш, шу билан бир қаторда маъруза нашрлар ҳақида муштарайлар фикрини ҳам мунтазам ўрганиб бориш фойдадан холи бўлмайди.

Фотима Мўминова, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори: — Ахборот маконига ёшлар жуда таъсирчан аудитория ҳисобланади. Улар онгига ҳар қандай ахборот гоят тез таъсир этиши шубҳасиз. Айни пайтда дунёқароши эндигина шаклланаётган аксарият ёшлар нақадар ишонувчан бўлишини ҳам изоҳлашга ҳоҷат йўқ. Бундан эса айрим хориқликлар усталик билан фойдаланишга, бинобарин, ахборот

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фойдада Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот кўмағида тайёрланди. Лейҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».

Компания ирқчилик учун узр сўради

Жаҳонга машҳур Intel компанияси кўпчилик томонидан ирқчилик сифатида қораланган реклама учун расман кечирим сўради. Тарқатилган заҳоти жамоатчилик томонидан танқид остига олинган реклама плакатида олти нафар қора танли атлетикачининг оқ танли раҳбарга бўйин эгиб тургани акс этган. Лавҳа остида эса «Мавжуд имкониятларни қўлайитиш ва ходимларнинг кудратини ошириш» шiori кайд этилган.

Инглиз бозорига қалбаки пуллар оралади

Буюк Британия ҳукумати фуқароларни мамлакатда қалбаки пуллар тарқатилганидан огоҳлантирди. Хабарларга қараганда, сохта фунт стерлингларида қиролича Елизавета сиёисмоси ўрнида Гомер, Барт Симпсон каби мультфильм қаҳрамонлари ҳамда Алан Ширер, Майкл Оуэн каби машҳур футболчилар сурати туширилган. Англия банки мамлакат миллий пул бирлигини ҳар қандай мақсадда қалбақлаштириш қонунга зид эканини маълум қилган.

корлик қўрсатиш, сўнг уни чапак чалиб кузатиб ўтириш қайфиятига қарши қалб галаэни эди!.. Шу тариха «Пахта иши» «Ўзбеклар иши»га «етилиб» борди. Энди пахта, пахтакор бўёқда қолиб, катта-кичик раҳбар лавозимдагиларга «хужум» бошланди. Йўқса, қаранг, Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлигининг «пахта иши»га қанақа алоқаси бўлиши мумкин? У фақат пойтахт шаҳарда жамоат тартибини сақлашга, жиноятчиликка қарши курашга жавоб берса. Ҳа, уни, генерал унвонидаги элга, юртига, Ватанига содиқ, Коммунистик партияга садоқатли коммунистни ҳам қамадилар! Эмишки, у бу лавозимга ўтириш учун Ички ишлар вазирлигига пора берган-

сиз? Терговни тугатиб ишни Россиянинг судларига юборишди. Бу даврга қилиб у икки йил ҳибсда ётган эди. Айбланувчининг судга икки йил ҳибсда сақлаш дунё тажрибасида учрамаган қонунбузарлик, бедоқликдир! Подмосковьеда суд бўлди. Судда унга қўйилган ўнлаб айбларнинг ҳаммаси чок-чокидан сўкилиб кетди. Асос йўқда. Факт йўқ, далил йўқ. Барибир, уни оқлаб чиқаришармиди, беш йил озодликдан маҳрум этиш жавоси берилди. У одам озодликка чиққандан кейин жуда кўп журналистлар деярли ҳар кунини тахририйлар корпусидаги ошхонага тушлик қилгани чиққандан уни қўришарди: Ислон Сатторов ҳаётининг охириги йиллари яна журналистиканига содиқ қолди, «Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз» газе-

тартиб ўрнатиш учун Россиядан кадр сўради, иккинчиси балан минбарда туриб Ўзбекистоннинг боқимандага чиқарди. Узингиз ўйланг, аждодлари дунёнинг учдан иккисини ақли-шижоати билан забт этган Амир Темур, алгебрани сақаб этган Хоразмий, тиббиётга асос солган Ибн Сино, ҳадис илмининг отаси ҳисобланган Имом ал-Бухорий бўлган ўзбек халқи йигирманчи асрга келиб мамлакатда тартиб ўрнатолмайдиган, ташқаридан қарат қачирисига муҳтож миллат бўлиб қолибдими?.. Бугунги кунларнинг садағаси кетсанг, бугунги раҳбарнинг бошдан сув ўгириб ичсанг арзийди!.. Мен, олий маълумотлиги ҳуқуқшунос одам, узмининг ҳақлигини ибтотлаш — узминни оқлаш учун у йил вақт керак бўлди. Сиз бўлса, оддий колхозчи бригадирини гапи-

Мустақиллик — улуг неъмат

назоратчи йўқ эди. Кўнглига келган номатқулчиликларни қилишга яшил йўл очик эди. Ва улар, ҳар бир ҳибсга олинган одамнинг уйини тинтув қилинганда олинган ҳад-ҳисобсиз тила тақинчоқлару бошқа қўлмақтабҳо бойликларни ҳеч қанақа далолатнома-сиз шундоқ халтага солиб олиб кетаверардилар. Кейин ёзилганда далолатномага эса олинган бойликларнинг неча фоизи ёзилди — фақат ўзларига аён. Марказда юз минглаб нускада чоп этилаган газеталарда эса бу гуруҳнинг поклигио командиловка пулига урма-уч кун кураётгани ҳақида кетма-кет ҳамда сано очерклар... Гдьян юқори минбарларда, интервьоларда пахта иши бўйича динвалатга етказилган зарарни қоплаш учун 70-80 миллиард сўм ундирилганини гапириб юборса, республика прокурори Бугурлин 3-4 миллиард сўм рақамни айтарди. Аслида, у борйўги 40 миллион сўм экани аниқланди. Бу эса 800-1000 нафар терговчидан иборат гуруҳнинг олти йил давомидаги командиловка харажатларининг ўзини ҳам қоплама эди... Ёшлар қилинмаган бойликлар эса уларни қутуртиргандан қутуртираверди. Ва, иштак оват пайти очилгандек, МСҚга... «етиб бордилар!» КПСС Марказий Комитетининг ўша пайтдаги ваҳоҳатли-салмоқли секретари Лигачев Ўзбекистон раҳбаридан пора олган экан, энди уни қамашарди, деган шов-шув тарқалди. Ана шундан кейингина Марказ сал қимирлади: шовша, бу итлар эгасига ташланапти-ку, дегандек. Ва шундан кейингина йиллар мобайнида ўзбекининг кўз ёшлари сиёҳ қилиб ёзилган шикоят хатлари архивдан қутарилиб, варақлана бошлади. Лекин бу ҳам катта офатга қарши шунчаки гирирлашдан бошқа нарса эмасди. Гдьян ва Ивановга нисбатан қўзғатилган жиноят иши орадан бир йил ўтиб силлиққина ёпилди. Чунки бу иш, қутурган ит эгасини қопмаслиги учун шунчаки эмлаш эди. Офат оловига сув Ўзбекистоннинг ўзида сепилди. 1989 йилнинг ёзида республика тепасига янги раҳбар келган, у киши офатни йўқотиш ишини бурилар туҳунасини келган жойларига қайтиб кетишга руҳсат беришдан бошлади. Республика қилоқ ҳужағи ходимларининг йилгилишида у киши «По хлопковым делам был vulgarный подход», деди ҳаммамни дол қолдириб. Газеталар бунини «сохта ёндашу» деб таржима қилишди. Аслида эса, бу сўзнинг луғавий маъносини кенгроқ — қўпол, зуравонларча, сурбетларча тушуналарининг йилгиндиси маъносини беради. Кейинроқ, раҳбарнинг ташаббуси билан республика Олий суди пленумининг пахта иши бўйича қўшиб ёзишларни, но-

ИБЛИСЛАР

қатағон миллат бошига қандай қулфатлар солгани тўғрисида эслов

миш. Шунини бўйинига олиб кўргазма ёзиб бериши керакмиш! Кичик жуссали, ҳаракатчан, мулойим хечрасига самийийлик ва шижоат бағишлаб турган қўларидидаги ўткир нигоҳ уни шахс сифатида гавдалантириб турадиган бу кишини мен танирдим, хизмат юзасидан бир неча бор сўхбатлашганман. Ва ўн йиллар ҳаммаси пойтахт шаҳар милициясига бошчилик қилган даври мобайнида унинг ҳақида бирорта ноҳуя гап эшитилмаган. Дастлаб кўрганда, етмишчин йилларда, полковник погонли ҳарбий кийимда эди. У киши бунга изоҳ бергандай, «Ука, мен ҳам сиз билан ҳамкасбман, армияда ҳарбий муқбир бўлиб хизмат қилганман», деган мулойим сўзлари сира ёдимдан чиқмайди. Сақсонинчи йилларнинг ўртасида шу одамни ҳам қамашди. Генерал Ислон Гафорович Сатторовни Асос йўқ. Йўқлиги тайин. Аввал қамаб қўйиб, кейин асос топиш лозим эди. Яъни, «Ҳа, мен фалончига пора берганман», деб ёзиб бериши керак. Унинг қачонлардир, кимгадир пора бергани ҳақида эса на ариза бор, на «сигнал» бор, на гувоҳ бор! У «Фалончига пора берганман», деб ёзиб берса, ўша фалончининг ҳам силлиққина қамоққа олишадими? Бўёғини гапириб эса... ақлга сиймайди. Ислон Гафоровичнинг турмуш ўртоғи, ТошДУ ўқитувчиси, доцент Эля Сатторовна дейди: — Узмин ҳам қақчириб, қийнаб сўроқ қилишди. Аспиртануриани тугатган, яқинда уланган, ўсиб келаятган йигит. Отаси кимга пора берганини айтиши керакмиш. Агар айтмаса, турмада отаси билан ёнма-ён камерада деворни тақиллаб гаплашармиш. Бу ҳам майли, Ислон Гафоровичнинг тушқанда ётган касал онасини қақчириб сўроқ қилишганига нима дей-



расиз. У шўрликлар нима қилсин... Дарҳақиқат, оғир гап. Лекин, минг афсуски, бор гап. Қизғини, четдан сўралган ва республикага «ташириб юборган» бир неча юзлаб кадрлар қилоқ ҳужалиғига эмас, санаот ишлаб чиқаришига эмас, балки фақат ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбар лавозимларига жойлаштирилди. Тошкентда икки хонали квартирада яшаётган ўн-ўн беш жондан иборат оилалар қаттароқ квартира олиш учун ўн йилдан ортқ навбатда турган бир шароитда, уларга келган заҳоти шаҳар марказидан шинма квартиралар ажратилди. Улар эса кимлар? Ё сўққабот бир ўзи, ёки хотини ё уйнаси билан келган. Борида битта бола бордир. Ана шуларга бир йўла уч-тўрт хонали квартиралар берилди. Ихарага эмас, вақтинча эмас, хусусий қилиб. Ва орадан беш-олти йил ўтиб, республиканинг янги раҳбарини ташаббуси билан уларнинг паттаси қўлга берилган, келган битта чемадан «тартиб ўрнатувчилар» топган тугганини контейнерларга жойлаб, «закуска»сига «хусусий» квартираларни пуллаб жўнадилар. Улар, ўша беш-олти йиллик қатағон даврида республика раҳбариятидан ортқ Бош прокуратура, Олий суд, вилоят, шаҳар, туман раҳбарлиги ва ҳуқуқ-тар-

П.С. Кейинроқ бу қатағон ҳақида СССР Бош прокуратурасининг терговчиси Виктор Илюхиннинг «Дохийлар ва иблислар» («Вожди и оборотни») номли китоби босмадан чиқди... Яъни, соф илдонли ҳуқуқшуносларнинг Ўзи бу ўткетган қонунбузарлик ўша тузум сиёсати билан боғлиқ эканини қоралалар.




Саёҳат

Шаҳарлик талабанинг ҳайратлари

“Саёҳатнома” жанрининг адабиётимизда ўзига хос ўрни бор. Одатда саёҳатнома узоқ ўлкаларга саёҳат қилинганда олинган таассуротлар ўртоқлашиб ёзилади. Бир томондан Тошкентда униб ўсган бир талаба қизнинг қишлоққа сафар қилиб ёзганлари жанр талабларига тўғри келмаслиги мумкин. Лекин унинг ҳар бир гапида бегараз самимият кўриниб турибди. Унинг, шаҳарлик талабанинг ҳайратлари чексиз, таассуротлари бир талай.

Зилола РУСТАМОВА, ЎзДЖТУ талабаси



Бухоро вилояти Гиждувон туманида яшовчи дугонаникига бориш учун рухсат олдим. Бу менинг биринчи мустaqил саёҳатим эди. ... Кечкурун Гиждувон туманининг Пахтаобод қишлоғида бизга яқин бўлган хонадонга кириб бордик.

Эртасига, бахтга қарши, мени тиш оғриғи безовта қила бошлади. Ва биз яққо ягона тиш шифокорини излаб икки қишлоқнинг пидеа босиб ўтдик. Оғриқ қийнаётган вақтда шунча олис йўл ҳам бир азоб бўлиб туоларкан. Кичкинагина, икки хонали бинода бир шифокор ва бир ҳисобчи иш билан банд эди. Беморлар сони етарлича. Чунки бизга ўхшаб олислардан келганлар ҳам кўп экан. Шифокорнинг ёрдамчиси бўлмаганлиги учун у шошар, бунинг устига ёши катталиги тез ишлашига паңд берар эди. Шу сабабли мижозларни чалакам-чутти доволаб, ишни тугатарди. У менинг ҳам тишимни доволамади, фақат оғриқни босиш учун дори кўйди, холос. Бу меҳнатини у 3000 сўмга баҳолади.

Шу кун дугонаник мени астойдил меҳмон қилишга киришди. У яқин атрофдаги қишлоқ ахли талабларини қондирувчи асосий дўконларини айланиб келди. Аммо, одамларнинг айтишича, бу дўконларда зарур нарсалар кераксиз кўпроқ экан. Ана шу мажбурият юзасидан шаҳарга боришга жазм қилдик. Узоқроқ жойга бориш муаммо экан. Мен автобусда боришни таклиф этдим. Қизлар бир овоздан норози бўлишди. “Автобус ҳамма ёқни айланиб, кейин шаҳарга элтади”, дейишди. Мен эса ўша “ҳамма ёқ”ни кўргим келди. Аввалига биз бир соатдан ортиқ автобус кутдик. Кейин у бизни икки соат ичида Гиждувон шаҳрига олиб борди. Бу автобус кунига фақат беш марта қатнар экан. Шу сабаб аҳолининг кўпчилиги қисми махсус марш-

рут ва тақсилар билан узогини яқин қиладилар. Маршрут нархи ҳам арзон бўлганлиги учун одамларнинг кўпчилигига бу маъқул туюбди, автобусда юришдан воз кечишган.

Икки соатлик йўлни босиб ўтишимиз билан мутлақо бошқа олам пайдо бўлди. Энди кераксиз махсусулотлар билан тўла дўконларда эмас, “йўқ нарсанинг ўзи йўқ” деган бозорда юрардик. Бозор жуда катта, савдогарлар кўп, шунинг учун бозор ташқарисидидаги кичик қўчалар ҳам замонавий тилда айтганда “ярмарка”га айланган. Улар “супермаркет” тусига кирган.

Дугонаник мени ҳамма билан таништиришга киришди. Биз у хонадондан бунисига, бир қишлоқдан бошқасига меҳмон бўлиб юрдик.

Хар бир оилада энг камда 3 та фарзанд бўлиб, 6-7 та болали ёш оилалар сони жуда кўп. Аҳоли касб-ҳунарига келсак, эркаклар асосан савдо, ҳунарманчилик билан банд. Бу иккиси ҳам қўлдан келмаганлар иш истаб Тошкентга йўл оладилар. Эркакларнинг кўпчилиги қисмини шундайлар ташкил қиладилар. Шунингдек, эркаклар учун энг даромадли иш хусусий автобус сотиб олиш. Аёлларнинг кўпчилиги уй-рўзғор юмушлари билан банд. Хотин-қизларнинг айримлари зар тикит билан шугулланганлар.

Оналар қизларини урушиб, жеркканларида “Гулрўх сатанг” ва “Захро тентак” лақабларини тилга оладилар. Ёши катта бир аёлдан бунинг сабабини сўрадим. У шундай деди:

— Гулрўх анави этикдўзнинг кўшниси. Захро тентак бизнинг орқамиздаги уйда яшайди. Қишлоқда уларни ёмон кўради, чунки яхши аёллар эмас. Икковининг ҳам бошида эри йўқ. Бир этак болани кўзи қийиб, чет элга чиқишади. Безаниб, ясан-тусан қилиб юришади. Болаларига ҳаммадан зўр едириб, қийинтиришади.

Уша кун кечга яқин бир қиз келиб дугонаникка “Гулрўх сатанг Дубайдан янги нарсалар олиб келган”лигини айтди. “Томоша қилишга чиқамиз, фақат онамга билдирмасдан, унинг уйига борганимизни билса

койийди”, деди дугонаник. Биз яширин ўша “ёмон аёл” уйига қадам қўйдик. Унинг уйи озода, чиройли безатилган эди. Ҳақиқатан, қишлоқда энг ораста болалар унинг фарзандлари бўлса керак. Гулрўх оша 36 ёш атрофидаги аёл бўлиб, ёлғиз ўзи уч фарзанди билан қичкинагина уйда яшар экан. Фарзандларининг кўриниши бошқа отаси бор болалар аҳолидан яхши эди. У қўлдан келганча болаларининг ўқушини назорат қилиб боришини айтди. Мен бу қишлоқда Гулрўх опадек дунёқарашли кенг аёл ягона бўлса керак деб ўйладим.

Бу ерда қизлар жуда эрта турмушга берилиб, 19 ёшдан ошган қизлар, уларнинг тили билан айтганда, “вақти ўтган” ҳисобланади.

Бир кун кечкурун 18-19 ёш атрофидаги қизлар йиғилишди. Кечкурун ҳаммамиз бир хонада уйкуга кетдик. Менинг кўзим юмук бўлса-да, ҳали уйғоқ эдим. Буни англамаган икки қиз суҳбатга берилди: — Чаман, Тошкент қалай экан? — Роса зўр. Катта қўчалар, ҳаммаёқ магазин. Битта магазинга кирганингиз ўзида сендан бошқа хар нима бор. Автобуслари яшил рангли, катта бўлади. Уларда ҳамма хохлаганича кийинади. Қизларни-ку 20 дан оша ҳам “вақти ўтган” дейишмайди.

— У ёқларда фақат “дом”да яшашадими? — Йў-е, у ерда ҳам ҳовиллар бор.

— Мен бўлсам тошкентликлар фақат “дом”да яшашади деб ўйлардим. Сен у ерда зерикмадингми?

— Қандай зерикаман. Шундай катта шаҳарда-я...

Мен учун бу суҳбат жуда қизиқ туюлди ва уни охиригача эшитдим. Тошкентда уч ойгина яшаган дугонаник у ерни ҳали кўрмаган 18 ёшли дугонаникка жаннатсифат қилиб тасвирлаб берди. Бу билан у қизнинг кўнглини бир олам орзуларга тўлдирди қўйди.

Чаманинг ўқиши ҳақида маълумот берсам. У Тошкентда “Зуку” ўқув марказида уч ой давомида “акушер-гинеколог” бўлимида ўқиди. Шу вақт ичида дафтарга қараб уқол қилиш ва қон босимини ўлчашни ўрганди, холос. Мен қишлоқдошлари Чаманга катта умид билан қараётганликларини сездим.

У ерда борганимнинг тўртинчи кунини биз Чаманинг 4 ёшли жиянининг боғчага олиб бордик. Яна бир қишлоқ йўл босдик. Катта ва кўм-кўк боғ ичида икки хонали уйча боғча вази фасини ўтапти. У ерда битта боғча опа ва 5-6 та боғча болалари бор. Болалар қандайдир ўйин, боғча опа газета ўқиш билан банд экан. Биз болани унинг қўлига топширдик. Аёл қўлидаги газетани кўриб дугонаник шу атрофда қиоска борлигини айтди. Аслида газета тарқатиш учун мулжалланган жойда иккитагина газета осигил қилиб турибди, бу қиоска асосан гулурт, шам каби майда ашёлар сотиш учун хизмат қилмоқда эди.

Кўча яқин биз болани олиб келиш учун яна боғчага бордик. Қайта-бита жажжи қиздан сўрадим.

— Эллора, боғча опанг сенга нималар ўргатди?

У индамай, менга хайрон қаради.

— Шеръ, қўшиқ айтишни ўргатадими ёки бирор эртақ, ҳикоя айтиб берадими? Нималар ўйнадинглар?

— Ҳамсоя-ҳамсоя уйнадик. Кейин оват едик. Бўлди.

— Ҳар доим шунақа ҳамсоя-ҳамсоя ўйнайсизларми?

Дугонаник сўзга тушди: — Ҳа, эртақ кеч қараб турса бўлди-да.

Биз сўзни бошқа мавзуга бурдик ва тез-тез қадам ташлай бошладик.

Сафарнинг 6 кунини мен яқна ўзим яна ўша Гиждувон-Тошкент йўналиши бўйича қатнайдиган автобусларнинг бирида ўз уйимга қайтдим.

Яна 9 соатлик йўл. Яна ўша йўлга отланган темир-терсақ, қоп-халта кўтарган эркак ва аёллар. Барчаларининг манзиллари бир эди, аммо манзилларидан максадлари турлича.

Назм

Гар дўстим экансан, бугундан сўзла

Жоним фидо

Бир исёнга тайёр юрагим, Қаршиседа ойдан баланд дор. Борай дейман, етмас журъатим, Хар кун юз бор бўлсам ҳам тайёр.

Юрагимнинг бу қўри билан Ибтидоий замоналарда Олишардим кўк бўри билан, Қолар эдим афсоналарда.

Ё юрт сўраб, душман келса гар, Олга — дердим, энг аввал, ишон. Ишқинг учун голиб, музаффар Қайтар эдим, кўксимда нишон.

Мени ўртар, бормоқ... ёнингга Ундан кўра... тўқилса ҳам қон. Дўзлда қасд қилиб жонимга Шарафингни асрамоқ осон.

Қани эди, бўлсам шаҳзода, Ишқим сўйлар эди асрлар. Сенга атаб мангу даввода Қурар эдим кўркам қасрлар.

Аммо ҳозир... не қилай, дилдор, Боролмайман ёнингга хатто. Қилолмайман ишқимни изҳор Ерролмайман кўнглимни аммо...

Аммо кимдир ўн баробар мард Ўн баробар жасур у бугун. Бўриларни бўғизлайди шарт Ва қасрлар қурар сен учун.

Кўнглигдан жой олмоқ қасдида Туну кундуз излайди имкон. Сенга битар минглаб қасида Кўкрагида тугагунча қон.

Аммо ундай бўлолмайман мен, Ташлолмайман битта қадам ҳам. Жасоратга тўлолмайман мен, Гарчанд қалбда ҳасрат ҳамда гам.

Бир исёнга тайёр юрагим, Йўлларингда янграр хур нидо. Фақат бир сўз айтар журъатим: — Сенга жоним фидо, жон фидо.

Муҳаммад ИСМОИЛ

Дўст

“Яхши бўлиб кетар, яхши бўлиб кетар”. Бу дардсиз сўзлардан юрак тўлиб кетар. Гар дўстим экансан, бугундан сўзла, Яхши бўлгунча то, одам ўлиб кетар.

Ҳеч қачон сўзлама ёлғон сўзлардан, Бўлмагин бегона, ёмон дўстлардан. ... Дўст бўлсанг, ўлмасан, умид шаъминини Минг биринчи бора ёқмай сўнмасан.

Хол сўраб келганда дўстнинг олдида Дўст деган тушунар дўст ахлоғида. Бир нафас ўтиргай, бирга хўрсиниб, Қарар минг бир ёниб ўчган ҳолига.

Хат

Қўлларимда турган каби чўғ — Сизга гаёб ёзган хатларим. Аммо аёб бошлаганим йўқ, Қолиб кетди айтар гапларим.

Салом дедим, сўрадим соғлиқ, Ёздам барча ёлғонларимни. Ёзолмадим, дилдагил оғриқ — Сени севиб қолганларимни.

Ўз ичимга ўзим ўт қалаб, Қўлиб ёздам, кераксиз хатни. Бу шунақил хат дедим, алдаб Ёниб ёздам, юраксиз хатни.

Сен ҳам хатлар ёздинг, ҳарқалай Ёзувнинг ҳам кўнглим ўртади. Гўё тилсим яширинганидай, Минг бор ўқиб, кўзим тўймайди.

... Гўё жангда юрган каби ман Атрофимда зув-зув учар ўқ. Қанча ўқлар ўтди қалбимдан Мен бу ҳақда ҳеч ёзганим йўқ.



А. ҲАКИМОВ чизган

Мулоҳаза

Ўйинчисиз тўй бўлмасмиш

Мана, тўйлар мавсуми ҳам айни авжида. Тўй бу триқиннинг зийнати. Қариндош-уруғлар, дўст-ёрлар бири бири билан дийдорлашади. Бироқ шоду хуррамлик билан ўтаётган тантаналарда бир иллат борки, бу кишининг асабини бузади, касал қилади. Бу ҳам бўлса, базм ўйинчиси. Кимнинг тўйида ўйинчи бўлмаса, ўша тўй тўйдек бўлмасмиш. Яқинда бир дўстимниқига тўйга бордим. Тўйимсан, тўй! “Боримни тўкаман, — деди тўй эгаси, яъни дўстимнинг отаси ўтирганларга гўдаиб қараб. — Ҳақ бериш биздан, еб-ичиш сиздан”. Базм бошланиб даврага “ёр-ёр” сардолари остида келин-куёв чиқиб келишди. Тўй сабабчилари махсус безатилган шохона супага ўтиргунча, тўй

дастурхонига жуфт-жуфт қилиб ароқ тортиди. Бошланди ичиш, бошланди қийқириқ. Пайт пойлаб турган “отарчи” санъаткорлар ўз ҳунарларини бошлаб юборишди. Бир пайт даврага бир паҳмоқ қиз йўргалаб чиқди, изидан иккинчиси. Ширакайф бўйдоқ йиғитлару эркакларнинг уларга суқланиб қарашини тасвирлаб бўлмас. Даврада хотин-халаж, бола-чақа ўтирибди. Буям камлик қилгандек, ҳали унинг пинжиги қиради, ҳали бўсаси эвазига биров икки юзталик, кимдир беш юзталик, базиллар мингталик қистиради, қўлогига бир нималардир айтиб қийқиради. Яна бизда тўй кунини кўвжўралар ичиб олишиб, ўйинчини кўтариб ўйнаш ҳам “мода” бўлган. Бу эса базми оилаларда уруш-жан-

Мутолаа

Бўлакча муҳаббат талқинлари

Яқинда “Шарқ зийёкори” китоб дўконига кириб, пештахталарга чиройли тегиб қўйилган, бежирим, бир-биридан кўркам, китобат санъатининг сўнгги ютуқлари асосида чоп этилган турфа хил асарларни кўриб ҳавасим келди.

Шодмон ОТАБЕК

Олдин иккиланмасдан сотиб олишга арзийдиган китобларни харид қилгач, яна пештахталарга бирор назар ташладим. Шунда Нигина Ниёзнинг “Савдойи киз” деган китобига кўзим тушиб қолди. Муқовадаги гўзал қизнинг сурати фақат ёшларнинг эмас, барчанинг диққатини жалб этади. Сенин варақлаб кўрсам, китобга Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тоҳир Малик сўзбосиб ёзган экан. Қўйнаҳой, шундай машҳур ёзувчи китобни бежиз мактама-гандир дедим-у, бу китобни ҳам сотиб олдим. Тўғри қилган эканман, уйга келгач, китобни бош кўтармай, бир ўтиришда ўқиб чиқдим. Азбаройи завқим тошгандан гоҳо муаллифининг суратига қараб-қараб кўяр, наҳотки, шу нарсани аёл боши билан ўзи ёзган бўлса деб ҳайратланар эдим.

Мундоқ ўйлаб кўрсам, бозор иқтисодиёти синновларига андармон бўлибми ёки ўз гумуроҳлигимиз, танбаллигимиз тўғрисида, ҳарқалай, санъатдан, адабиётдан таъсирланмай қўйган эканмиз. Хатто қалам-қашлар ўзаро учрашганда ҳам китоб ҳақида, адабиёт ҳақида негадир камроқ гурунглашамиз. Эслисизми, болалик ва ўсмирлик чоғларимизда яхши китоблардан қандай таъсирланар эдик. Боқари тўйгуларимиз, онгу шуғримиз мутолаа тўғрисида алғов-далғов бўлиб кетмасмиди? Бир неча кунгача китоб қаҳрамонлари ҳаёти билан яшамасмидик?

- 1. Ийгирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камда уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти туманлараро судьялиги лавозимига;
2. Ийгирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камда уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти туманлараро судьялиги лавозимига;
3. Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камда беш йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида судья бўлиб камда икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судьялиги лавозимига номзодини кўрсатиши мумкин.
4. Иш жойидан тавсифнома.
5. Диплом нусхаси (нотариал тасдиқланган ҳолда).
6. Лиспорт нусхаси.
7. Меҳнат дафтарчаси нусхаси (иш жойидан тасдиқланган ҳолда).
8. 2 дона фотосурат (3,5x4,5 ҳажмда).

Эълон

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судлари судьяларининг малака ҳайъати судьяликка номзодлар захирасини шакллантириш мақсадида малакали ҳуқуқшуносларни судьялик лавозимига номзодлар захирасига таклиф қилади.

Ушбу лавозимларга номзодини қўйишни истаган малакали ҳуқуқшунослар фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судлари судьяларининг малака ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари талаб этилади:
1. Сўровнома.
2. Таржиман ҳол.
Қўшимча маълумотларни Гулистон шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 68-уй — Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судьялиги биносига ташриф буюриб ёки 27-69-00 рақамига кўнғироқ қилиб билиш олишингиз мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судлари судьяларининг малака ҳайъати

HURRIYAT logo and contact information: Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Баш муҳаррир вази фасини бажарувчи: Исмаил ХУДОЁРОВ. Таҳрир хайъати: Хуршид ДУСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 135-39-01. Тел: 142-49-91, 142-52-72. Индекс: Яқна обуначилар ва ташкилотлар учун — 233. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзил: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ. Топшириш вақти — 20.00 Топширилди — 19.00. Буюртма — Г-754 Т: 2266 1 2 3 4 6